



Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 90 (11.901)

Баҳоси эркин нарҳда

БУ БУЮК ВАТАНДА ИНСОН УЛУҒ, ХОТИРА – МУҚАДДАС

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан эълон қилинган 9 май – Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Ҳамма нарса инсон учун, унинг манфаатлари учун. Ана шу эзгу мақсад истиқлол йилларида ҳаётимизда мустақам ўрин эгаллади, изчил ислохотларнинг, юртимиз мустақил тараққиёт йўлининг бош йўналиши сифатида ҳамюртларимиз ҳаётида ўзининг мустақам ифодасини топди. Зотан бугун Ўзбекистон инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати улуғланадиган буюк мустақил давлатга айланди.

Хотира ва қадрлаш – халқимизнинг асрий қадриятлари, улуғ фазилатларидан. Эл-юртининг тинчлиги, осойишталиги, эрки ва озодлиги учун курашган инсонлар ҳамisha халқимиз ардоғидадир. Ана шундай мардлик ва жасорат намунасини кўрсатганларга, жанг майдонларида жонини фидо қилган боболаримиз, сабр-бардош билан катта қийинчиликларни енгиб ўтган нуруний момоларимизни шарафлаш, хотирасини абадийлаштириш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмун билан бойиди.

Бу жиҳатлар юртимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларда, она дийримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи юртдошларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик, ҳурмат-эътиромда янада яққол намоён бўлмоқда.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2011 йил 22 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эътиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ноғиронларига пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади. Соат 9.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

– Бугун бутун халқимиз 9 май санасини – фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 66 йиллик байрамини кенг нишонламоқда. Бу кутлуғ сана билан авваламбор сафимизда соғ-омон яшаб келаётган уруш қатнашчиларини, муҳтарам фахрийларимизни, барча-барча юртдошларимизни чин қалбимдан самимий табриклайман, – деди Ислон Каримов.

Маълумки, 1999 йилдан 9 майни юртимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаймиз. Хотира, қадр деган тушунчалар азал-азалдан эл-юртимизнинг тафаккури, маънавий ҳаётимизнинг ажралмас бир қисми бўлиб келади. Ўзини, ўз эл-юртининг ўтмишини, тарихини эсламайдиган, билмайдиган, ўз хотирасида сақламастан яшайдиган одам боласини, онгли инсонни тасаввур қилиб бўлмайди.

Хотира деганда, барчамиз қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетган муқаддас туйғунини тушунаемиз. Чиндан ҳам, ўтганларни хотирлаш, уларнинг руҳини ёд этиш халқимиз учун асрлар давомида эзгу анъана, эзгу одатга айлиб қолган.

Тарихий хотира – бу аввало ҳаёт мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини англаш демакдир, деди давлатимиз раҳбари. Узоқ-яқин ўтмишда содир бўлган воқеа-ҳодисалардан бугунги ва эртанги кун учун зарур сабоқ ва ҳулосалар чиқариб яшаш демакдир. Ўз болалари ва авлодларига, уларнинг онгу шуурига аждодлар

руҳига ҳурмат ва эътиром туйғуси билан яшашни сингдириш демакдир.

Иккинчи жаҳон уруши, унинг жароҳатлари эл-юртимиз хотирасида умрбод сақланади. Кўпни кўрган, жафокаш халқимиз бу урушда не-не асл фарзандларидан, оиланинг таянчи ва суянчи бўлмиш қанча-қанча нақирон ўғлонларидан жудо бўлган, деди Ислон Каримов.

Агар уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллион урушда бевосита иштирок этган. Ёш гўдак ва болаларни, қариялар ва аёлларни ҳисобга олмаганда, халқимизнинг 40 фоиздан кўпроги қўлига қурол олиб, жангу жадалларда қатнашган. Ва бу даҳшатли қирғинда қарийб 500 минг юртдошимиз, яъни урушда қатнашганларнинг 30 фоизи ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, эришилган Ғалабанинг қадр-қиммати нечоғли баланд экани, Ўзбекистон халқининг фашизмга қарши курашга қандай катта ҳисса қўшгани яққол аён бўлади.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмаслигини истардим, қолаверса, талаб қилардим, деди Президентимиз.

Ишончим комил, бу мард ва жасур юртдошларимиз қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш учун эмас, аввало фашизм балосини юртимиз остонасига йўлатмаслик учун, ўзининг ота-онаси, суюкли ёри, азиз фарзандлари, ёру дўстларини, эл-юртини ҳимоялаш, асраш учун жангга кирган, жон фидо қилган.

Шунинг учун ҳам бу даҳшатли уруш етказган оғир жароҳат, битмас яра бўлиб, ҳеч қачон хотирамиздан ўчмайди. Юртимизда бирон-бир оила, бирон-бир хонадон йўқки, кимидир бу урушда қатнашмаган бўлсин, бу уруш уларнинг бошига қулфат келтирмаган бўлсин. Бу муҳим қирғин туфайли қанча аскарлар майиб-мажруҳ бўлиб қайтган, қанча аёллар бева, минглаб болалар етим бўлиб қолган.

Табиийки, ҳар бир оила жанг майдонларида қурбон бўлганларни, бедарак кетганларни, ўз аждодининг хотирасини қанча йиллар ўтса ҳам армон билан эслайди.

Бугун пойтахтимизда, вилоят, шаҳар ва туман марказларида барпо этилган мана шундай гўзал Хотира майдонларида урушда жасорат кўрсатиб ҳалок бўлганлар, фронт ортида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилган матонатли инсонларнинг азиз хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Бир сўз билан айтганда, хотира туйғусининг асл маъноси бугунги тинч-осуда, эркин ҳаётга биз осонликча эришмаганимизни, бу ёруғ кунлар осмондан тушмагани, қандай оғир машаққат билан қўлга киритилганини доимо эслатишни ифода этади.

Бугунги айёмнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у бир-биримизни, авваламбор, сафимизда тетик бўлиб юрган уруш қатнашчиларини қадрлаб, уларга меҳр-оқибат кўрсатиб яшашга даъват этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 8 минг 600 дан ортиқ уруш қатнашчиси ҳаёт кечирмоқда. Муҳтарам фахрийларимизнинг ҳаётини мазмунли қилишга, умрини узайтиришга қўлимиздан келганча ҳисса қўшиш, уларга нафақат мана шундай байрам кунларида, балки ҳар кун, ҳар соатда ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш барчамиз учун, авваламбор, раҳбарлар учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини унутмаслигимиз керак, деди Юртбошимиз.

Хотира ва қадрлаш маросимининг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, у барчамизни бугунги тинч ва таҳликали дунёда доимо сезгир, ҳушёр ва оғоҳ бўлиб, тинч-осойишта ҳаётимизнинг, мусаффо осмонимизнинг қадрига етиб яшашга даъват этади.

Шу маънода, дунёнинг айрим мамлакатларида бугун қандай низо ва қарама-қаршилиқлар пайдо бўлаётганини унутмаслигимиз даркор. Мисол учун, мана ён қўшимиз – Афғонистонда 30 йилдан буён уруш давом этмоқда.



Биз бундай нотинчликлардан тегишли ҳулосалар чиқаришимиз, юртимизда ҳукм сураётган тинчликни, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашимиз керак. Халқимизнинг энг катта бойлиги – бағрикенглик, меҳр-оқибат. Биз бу бағрикенгликни, меҳр-оқибатни доимо асраб-авайлашимиз зарур.

Биз ўз олдимизга қўйган буюк ва эзгу мақсадларга эришиш, дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш ҳақида гапирганда, бу йўлда бизнинг таянчимиз, суянчимиз бўлган ёшларни миллий ғоямиз руҳида, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлод этиб тарбиялаш – ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Яқинда Сурхондарё вилоятида бўлиб, ёшлар билан суҳбатлашганимда, куни кеча у ерда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинларини телевидение орқали қузатганда кўпчилик қатори мен ҳам кўзлари ёниб, гайрат-шижоатга тўлиб турган нақирон ўғил-қизларимизга боқиб, катта ғурур ва ифтихор туйғусини ҳис этдим, деди давлатимиз раҳбари.

Энг замонавий билимга, кенг дунёқарашга эга бўлиш, ўз қадр-қимматини англаш, ҳеч кимдан кам бўлмасликка, маррани баланд қўйиб яшашга интилиш фарзандларимизнинг ички дунёсига тобора сингиб бораётгани ҳаммамизни қувонтиради, албатта.

Фурсатдан фойдаланиб, барча уруш қатнашчилари, муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни бугунги кутлуғ байрам билан яна бир бор табриклайман. Барча ватандошларимизга тинчлик-омонлик, бахт ва омад тилайман, деди Ислон Каримов.

Мотамсаро она ҳайкали пойи шу куни анвойи гулларга бурканди. Хотира майдони оқшомга қадр юрт тинчлиги ва озодлиги, фарзандларининг порлоқ истиқболи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

Президентимиз Ислон Каримов шу куни пойтахтимиз марказида бунёд этилаётган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биносига амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилаётган ушбу био архитектуравий муҳандислик ечимига кўра ноёб иншоотдир.

– Ушбу иншоот бугунги ва келажак авлодларга хизмат қиладиган даражада мустақам ва муҳтарам бўлмоғи зарур, – деди Юртбошимиз.

(ЎЗА)

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш жараёнида сиёсий партиялар ва депутатлар фаолиятини янада кучайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида аҳолининг экологик билим ва маданиятини оширишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар, журналистлар иштирок этди.

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан янги иш ўринлари яратиш борасидаги ютуқлар ва галдаги вазифалар ижросига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

● Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманида 50 километрлик масофага қувур тортиштириш натижасида 11 та қишлоқда яшаётган 10 минг нафарга яқин аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талаби қондирилди. Осий тараққиёт банки лойиҳаси асосида амалга оширилган ушбу бунёдкорлик ишлари учун 1,9 миллиард сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди. Ҳозир мазкур лойиҳа асосида Қамаш ва Косон туманларидаги 7 та ичимлик суви тарқатиш иншоотларида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозиргача шундан 4 та иншоот фойдаланишга топширилди.

● Қизилтепа туманидаги «Ванғози картон экспорт» масъулияти чекланган жамияти томонидан картон ва картон қутилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Банкдан 50 миллион сўмлик кредит ва 70 миллион сўмлик шахсий жамғарма ҳисобидан хориждан энг замонавий технология келтирилди. Корхонада фаолият бошлаган 10 нафар ванғозилик ёшлар хориж технологиясини тезда ўзлаштириб олди. Ҳозир корхонада кунига 5000 донагача тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

● Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясига қарашли «Наврўз» чорвачилик-наслчилик мажмуасида сутни қайта ишлашга мўлжалланган технологик линия ишга туширилди. Айна пайтда 10 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада кунига 2 тоннага яқин сут қайта ишланиб, 9 турда маҳсулот тайёрланмоқда. Хом ашё мажмуанинг ўзидан чиқётганлиги маҳсулот таннархининг арзонлигини таъминлаётди. Таъкидлаш керакки, чиройли идишларга қадоқланаётган сут маҳсулотлари ички бозорда тезда истеъмолчилар эътиборини тортди.

● Япония ва АҚШ ядро чиқиндилари сақланадиган жойни Мўғулистонда қуришга келишиб олишди.

● Россиянинг Сибирь ўлкасида давом этаётган қисмига ўрмон ёнғинларининг катта қисмига барҳам беришга эришилди.

● Филиппиндаги кучли тўфон қурбонларининг сони 17 кишига етди.

● Сальвадорда Рихтер шкаласи бўйича 4,6 балли зилзила рўй берди.

● Таиланд қироли парламентни тарқатиб юбориш тўғрисидаги фармонни имзолади.

● Миссисипи дарёси ўзанининг кўтарилиши давом этиши муносабати билан АҚШнинг Теннесси штати маъмурлари аҳолини қўшимча эвакуация қилишга қарор қилдилар. Таъкидлаш жоизки, Мемфис шаҳрининг куйи қисмида сув тошқинлари рекорд даражага етган.

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Давлат консерваториясида Тошкент шаҳар «Камалак» болалар ташкилотининг «Ватан, дўстлик ва халқароварлик учун» шiori остида ўзини анъанавий анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда «Ибн Сино саломат-

лик маскани» маърифат маркази томонидан таъбат илмининг бобокалони Абу Али ибн Синога бағишланган адабий кеча ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Миллий матбуот марказида Адлия, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Бош

прокуратура, Давлат божхона қўмитаси томонидан: «Одам савдосига қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар сарҳисоби, бу йўналишда ОАВнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш: амалиёт ва муаммолар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилади.

Хамкорлик қирралари

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

Тошкент Давлат юридик институти томонидан Япониянинг Нагоя университети ва Миэ университети билан ҳамкорликда «Маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари: Ўзбекистон ва Япония тажрибаси» мавзусида халқаро анжуман ташкил этилди.

Япониялик мутахассислар таъкидлаб ўтганидек, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси хорижий давлатлар экспертлари томонидан юқори баҳоланмоқда.

Хорижий экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон давлати раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Концепция давлатни яна бир поғона юқорига кўтаришга ҳамда ривожланган демократик мамлакатлар қаторига чиқишга йўналтирилган дастуруламал ҳужжат ҳисобланади.

Тошкент Давлат юридик институтининг хорижий ҳамкорларидан Нагоя ва Миэ университетлари япониялик ҳуқуқшунос экспертлари жалб этиб, Ўзбекистон қонунчилик тизимини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш, амалдаги қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар тайёрлаш жараёнига ўз ҳиссасини қўшиш истагини билдирди.

Айтиш жоизки, Японияда юз берган табиий ва техноген йўналишдаги ноҳуш воқеаларга қарама-қарши, Қўшқар мамлакатни ҳуқуқшунос олимлари Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда маъмурий қонунчиликни янада такомиллаштириш масалалари бўйича тажриба алмашишга қаратилган халқаро давра суҳбатидан иштирок этиш ташаббуси билан чиқди.

Тошкент Давлат юридик институти томонидан Япония давлатлиқ ҳамкорлари билан биргаликда ўн йилдан кўп муддат давомида бир неча лойиҳалар амалга оширилди. Республикада биринчи қаторда Тошкент Давлат юридик институти Нагоя ва Миэ университетлари, бошқа ҳамкорлари билан биргаликда суд-ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижалари, янги педагогик технологияларни қўллаш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш борасида тажриба алмашишга қаратилган бир қатор академик дастурлар ва таълим лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда.

Анжуманда кенг доирадаги ҳуқуқшунос олимлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, амалиётчилар, хорижий экспертлар, халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Хорижий меҳмонлар Ўзбекистон билан демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси доирасида бошқа ҳуқуқ соҳалари бўйича ҳам шунга ўхшаш тадбирларни ҳамкорликда ўтказиш истагини билдиришди.

Халқаро анжуман материаллари тўплам шаклида нашр этиладиган бўлиб, унинг натижалари қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек миллий маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш жараёнида фойдаланилади.

Умид РАЖАБОВ

ЯНГИ ХИЗМАТ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Ўтган йили Пайнет компанияси электр қуввати учун тўловларни қабул қилиш бўйича янги хизмат турини жорий қилган эди. Компания идентификация карталарининг амалга қилиниши билан тўлов жараёни анча енгиллашди.

Картанинг ўзига хос рақамини Тошкент шаҳар электр таъминоти корхонасидаги шахсий ҳисобга бириктириб, бутун республика бўйлаб жойлашган минглаб шохобчаларнинг барида электр учун тўловни амалга ошириш имкони туғилди. Бунинг асосий устуңлиги уни реал вақт тартибда бажариш мумкинлигидир. Бинобарин, истеъмолчиларнинг пул маблағлари шу вақтнинг ўзиде шахсий ҳисобга бориб тушади. Айни вақтда ўз депозитлари аҳоли билан танишиб туришлари учун қарздорликни текшириб бориш хизмати ҳам йўлга қўйилди.

Компания табиий газ учун тўловларни қабул қилишни жорий этди. Табиий газдан фойдаланганлик ҳақини тўлаш ҳудди электр қувватига тўлов каби амалга оширилди. Тизимда рўйхатдан ўтиб, компания идентификация картасига эга бўлган тўловчи картанинг ўзига хос рақамини табиий газ ва электр қуввати учун пул ўтказиладиган шахсий ҳисобга бириктириши мумкин. Эндиликда коммунал хизматлари истеъмолчилари учун компания агентига идентификация картани кўрсатиб, коммунал хизмат турини (табиий газ ёки электр қуввати) айтиш ва 500 дан 100 минг сўмгача бўлган исталган миқдордаги тўловни амалга оширишнинг ўзи кифоя қилади.

Акбар АЛИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари марказий офицерлар саройи олдида ўтган кишилар қизиқ ҳолатдан таажубга тушишлари мумкин: эркаклар касбига оид ушбу маскан биноси олдида кўпинча ёш қизлар гурунглашиб турганига кўзингиз тушади. Аммо таажубга ўрин йўқ — Марказий офицерлар саройи қошида кўп йиллардан бери фаолият юритиб келаётган замонавий кийимлар тикиш-бичиш, модельерлик курсларида минглаб қизлар уч йил давомида таҳсил олиб, ажабтовур тадбиркорга айланишади...

Бу ерда таркиб топган энг замонавий мода асосида эркаклар ва аёллар, бола-лар кийимларини тикиш-бичишнинг ўзига хос малакали касб-хўнара эгаларини тайёрлаш мактаби ҳар йили юзлаб қизларга катта ҳаёт йўлини очиб беради. Кези келганда шунини ҳам айтиш керакки, бу ажойиб касб-хўнара мактабини туғатганлар орасида фақат мохир тикувчи, ажойиб дизайнер бўлибгина қолмай, ўзлари тадбиркорликка қўл уриб, мустақил иш очиб, эл-юртада обрў-эътибор топганлар ҳам оз эмас.

Кўпчилик ота-оналар қизларини уздабурон уй бекаси қилиб тарбиялаш, оилада ўзлари, бола-чақаларига керакли кийим-бошларни ўзлари тикиб олаверадиган, унча-мунча «чок ишлари»да бировларга муҳтож бўлмайдиган қилиб етказишни кўзлаб шу ерга йўллашади. Кўпчилик қизларнинг ота-она орзусини рўёбга чиқариш билан бирга, оила тебратилишга бемалол қурби етадиган даражада чиройли касб эгаси бўлиб етишаётганлари айтиш ҳақиқат.

— Курсларимизни битириб чиқаётган қизларимизнинг кўпчилиги тикувчилик цехлари, фирмаларда ишлаши билан бирга, уларнинг талайгина қисми яшигинга тадбиркор сифатида ҳам эл орасида обрў топишган, — дея ҳикоя қилади курс раҳбари Лобар Аюбова. — Жумладан, собиқ битирувчимиз Нодира Муҳиддинова шаҳримизда фаолият юритаётган «Ифратли келин» ўқув марказини ташкил этиб, унга бошчилик қилиб келмоқда. Санобар Қаноатова эса «Ўзбекфильм» киностудияси актёрларига кийим тикади, айтиш пайтда ўзи ташкил қилган «Севил-файз» оқшом либослари фирмасига раҳбар ҳамдир. Қолаверса, поштахтимизда машхур бўлиб кетган «Машхура» ўқув марказининг раҳбари ҳам бизнинг собиқ талабаларимиздан.

Курс раҳбари Наманганда иш оingan Сайёра Аҳмедова ва бошқа анчагина шоғирдлари ҳақида фахр билан гапириб берди. Бу ерда ҳозир 2 мингдан ортиқ қизлар

тикувчилик билан боғлиқ касб сир-асрорларини ўрганишгаётган экан. Қизлар энг оддий кийимдан тортиб энг мураккаб эркаклар ва аёллар пальтолари, курткалар, костюмлар — қўйинги, ҳамма турдаги ва

Аслини олганда ўқув курсларининг ҳозирги раҳбари Лобар Аюбованинг ўзи ҳам шу даргоҳда устозлардан билим олиб, шу ерда ишга тақлиф этилганлардан. «Қизларимизга билим ва маҳоратларини

2011 — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

ТАДБИРКОРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАКТАБИ



фасондаги кийим-кечақларни тикишни ўрганишар экан.

— Бундан ташқари шоғирдларимиз, — дея изоҳ берди курс устозларидан бири Малика Зуфархўжаева, — тўқиш, бисер тикиш, рассомчилик — дизайнерлик бўйича ҳам билим ва амалий кўникма ҳосил қилишда ҳамда тикувчи-модельер иختисосини олишади.

эринмай синдириб келаётган устозларимизнинг қарийб ҳаммасини ҳам шу курсларимизнинг собиқ битирувчилари ташкил этади», дейди Лобархон. Курс синфларини айланар эканмиз, энг оддий чокдан бошлаб, ҳар қандай мураккаб кийимни тикиб битириш билан боғлиқ барча жараёнлар алоҳида-алоҳида ва уларни ўзлаштириш учун ўқув жадвалидан етарли вақт аж-

Европа мамлакатларида иккита йўналишда сертификатлаштириш амалга оширилади. Биринчидан, маҳсулот етказиб берувчининг баёноти, яъни маҳсулотнинг белгиланган талабларга жавоб бериши тўғрисида ёзма кафолат. Баёнот каталогларда чоп этилиши мумкин ёки у юк хати, фойдаланиш бўйича қўлланма ва бошқа шаклларда (этикетка) эълон қилиниши мумкин. Иккинчидан, бевосита сертификатлаштириш йўли билан, яъни маҳсулот, жараён, хизматлар белгиланган талабларга жавоб бериши тўғрисида учинчи тараф томонидан ёзма кафолат, яъни сертификат бериш орқали амалга оширилади.

Юқоридагиларга асосан, сертификат ўзи нима деган табиий савол туғилади. Сертификат сўзи латин тилидан таржима қилинганда «тўғри қилинди» деган маънони англатади. Сертификатлаштиришдан олдин маҳсулотларнинг қайси талабларга жавоб беришини аниқлаш лозим. Маҳсулотлар бўйича талаблар стандартлар ва бошқа меъёрларда белгиланади. Шунинг учун ҳам, улар мувофиқлик сертификати (Assurance of

билан белгиланади ёки аниқланади. Шундай қилиб, FFCS тизими иккита сертификатни, яъни ўрмон участкасига ва технология занжирга сертификатни бериш мўлжаллайди. Шунингдек, ушбу тизим сертификатлаштирилган ёғоч-тахтани (номдор ёғоч турини) қайта ишловчи корхоналарга экологик сертификат олиш ҳамда тегишли белги билан ўз маҳсулотини маркировкалаш ҳуқуқини олиш учун шароит яратлади.

ЭКОЛОГИК СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА БОЙ ТАЖРИБАЛАР

Бундан ташқари, FFCS тизими РТFC, FSC, ISO каби халқаро стандартларга мос тарзда ишлаб чиқилгандир. Маълумки, ҳар қандай сертификатлаштириш тизими қуйидаги талабларни қондириши лозим: халқаро аҳамият касб этиши, ҳолислик, ҳаққонийлик, аниқлик, ишончлик, тиниқлик ва бошқалар. У манфаатдор тарафларнинг қонуний манфаатларининг таъминлигига сабаб бўлмаслиги лозимдир. Албатта FFCS тизими барча кўрсатилган талабларга жавоб бериши шубҳасиз. Шунингдек, мазкур стандартга риоя этилиши юзасидан мустақил бўлган, ҳеч бир тарафга манфаатдор ҳисобланмаган учинчи тараф, яъни аудитор томонидан текшириш амалга оширилади. Мазкур стандартнинг ўзи эса сертификатлаштириш органига бўйсунмайдиган ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилади.

Яна шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, FFCS тизими туркум регионал сертификатлаштиришга асосланган бўлиб, Финляндия ўрмон хўжалиги оилавий мулкчиликка асосланган ҳолда юритилади. Ушбу мамлакатда ҳозирги кунга қадар 400 мингдан ортиқ хусусий шахслар — ўрмон мулкдорлари фаолият олиб борадилар. Юқорида қайд этилган туркум регионал сертификатлаштириш мавжуд ҳудуднинг барча ўзига хос хусусиятларини ҳамда ўрмонларнинг биологик хилма-хиллигини ҳисобга олади, шунингдек энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан мақбул услуб ҳисобланади, чунки у жуда кўп миқдордаги ёғоч-тахта маҳсулотлари учун бозорларга тўғридан-тўғри йўл очилишига замин яратлади.

Шерзод САИДОВ,
Тошкент Давлат
юридик институти магистри

БАРКАМОЛ АВЛОД — КЕЛАЖАКНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси муҳассам.

Мамлакатимизда ёшларнинг қомил инсон бўлиб вояга етиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, таъликий жиҳатдан кенг шарт-шароит яратиш масаласига давлат сийбати даражасида устувор аҳамият берилмоқда. Бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Бош қомусимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги кафолатлангани бунда муҳим омил бўлаётди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтохур академик лицейида ёшлар ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолатлари, ундан самарали фойдаланиш, ёшларни турли зарарли иллатлардан асраш каби масалаларга бағишланган давра суҳбатиде шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, лицей ўқувчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи И.Турғунов ва бошқалар мамлакатимизда ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид миллий қонунчилик асослари тўла шакллантирилгани ва улар амалда ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Ўзбекистон ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ўттиздан ортиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжатнинг иштирокчисидир.

Фарзандларимизнинг маънавий олами юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таъхликали замонда миллий ўзгиримиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона ғоялар, ахборот хуружлари, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилошлар тобора қучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этади. Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш долзарб аҳадиётга эга.

Тадбирда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбиясини янада яхшилаш, бунда оила ва жамоатчиликнинг роли, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олддини олишда ички ишлар идоралари ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни, ёшларни фойдали машғулотларга кенг жалб этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУХБЕРИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан юртимиз таълим муассасаларида ҳам қатор маданий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан шу кунларда мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилаётган «Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият!» мавзусидаги ҳуқуқий савдонлик ойлигининг қўзланган мақсад ҳам истиқлол йилларида юртимиз суд-ҳуқуқ соҳасида эришилган ютуқ ва янгиликларни ўқувчиларга батафсил тусунтиришдан иборат. Бу мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қилади.

Охириги кўнгирок тадбирларига қадар давоми этадиган мазкур ойлик доирасида ўқувчилар ўртасида «Менинг ҳуқуқ ва бурчларим», «Мустақил юрт — фарзандимиз!» мавзуларидаги иншолар танлови, «Ақлдия, Ички ишлар вазирликлари мутахассислари, ҳуқуқшунослари, олим ва экспертлар иштирокида давра суҳбатлари ва учрашувлар, «Сиз қонунни биласизми?», «Ҳуқуқларингизни биласизми?» каби мавзуларда икки босқичли викториналар ўтказилмоқда. Айни пайтда, ойлик тадбирларини самарали ўтказиш мақсадида таълим муассасаларига қўллаб-қувватлаш, кўчмалар тарқатилиб, инсон ҳуқуқлари бўйича қўшимча ўқув машғулоти ва маънавий сабоқлари таъшиқ этилаётди.

Таълим масканимизда 768 нафар ўқувчи билим олади, уларнинг барчаси ҳуқуқий саводхонлик ойлигида фаол қатнашмоқда, — дейди ЎЗА мўҳбирига поштахтимизнинг Яққасарой туманидаги 118-мактаб директори Батсисора Ҳасанова. — ҚОқори синф ўқувчилари ўртасида иншолар танловини ўтказдик. Бундай тадбирлар ўғил-қизларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини пухта билишига, улардаги масъулият ва жавобгарлик ҳиссининг тўғри шаклланишига хизмат қилади.

Назозат УСМОНОВА

Ҳажим СОЛИХОВ
Муаллиф олган сурат

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятимизда ўзаро аҳиллик, тотувлик, ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги изчил ишлар ёшлар маънавиятини юксалтириш, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва дин вакиллари аънава ва маданиятини раванк топтириш, уларни янгича замун билан бойитишда муҳим омили бўлмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Истиқлол» санъат саройида бўлиб ўтган «Айтишув – 2011» халқаро оқинлар айтишувида бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Шу муносабат билан мазкур мухташам саройга турли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари, хорижий элчионаларнинг вакиллари таклиф этилди.

Республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев, Қозоқ миллий маданият маркази раҳбари Марат Укубоев, Қозоғистоннинг мамлакатимиздаги Факултетида ва мухтор элчиси Борибай Жексембин ва бошқалар Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ўзаро иқтисодий-сиёсий, илмий-маърифий алоқалар тобора ривожланиб бораётганини таъкидладилар. Икки давлат раҳбарлари ўртасида эришилган келишувлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Тили, аънава ва урф-одатлари бир-бирига яқин икки қардош халқ ўртасидаги ҳамкорликнинг тобора мустаҳкамланишида маданий алоқаларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Юртимизда ҳар йили ўтказилувчи бадиий, фото кўргазмалар, турли кон-

цертлар, фестивалларда қозоғистонлик мусаввирлар, санъат усталарининг фаол иштирок этиши, ўзбекистонлик ижодкорларнинг қўшни мамлакатдаги маданий тадбирларда муваффақиятли қатнашиши бунинг амалдаги ёрқин далилидир.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элатларнинг ўзига хос аънава ва маданиятининг гуллаб-яшнашида Республика Байналмилал маданият марказининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

ЮКСАК ЭЪТИБОРНИНГ АМАЛДАГИ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Тошкентда «Айтишув – 2011» халқаро оқинлар айтишуви бўлиб ўтди.

Ҳамкорликда ўтказилаётган турли маданий лойиҳалар, дўстлик фестиваллари, ижодий кўрик-танловлар, концертлар бунинг яққол тасдиғидир.

Халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрами – Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Айтишув – 2011» халқаро оқинлар айтишувининг баланд руҳ, байрамога кайфиятда ташкил этилгани ҳам мустақиллик йилларида юртимизда миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни таъминлаш борасида эришилган улкан ютуқларнинг ўзига хос намоиши бўлди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Мўғулистоннинг халқ ижодиёти усталари ўз маҳоратини намоиш этиди.

– Алишер Навоий номидаги файзли кўчага Абай номидаги кўча туташ бўлган гўзал ва меҳмондўст Тошкент

шаҳрида бундай халқаро санъат байрамининг ўтказилиши Ўзбекистонда миллий аънаваларнинг бардавомлигини таъминлаш, дўстлик, ҳамжихатлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги эзгу интилишларнинг амалдаги ифодасидир. – дейди Қозоғистон халқ артисти Асилхон Қолибекова. – Ўзбекистонда халқ оғзаки ижодиётининг мазкур ноёб тури – айтишувни ривожлантиришга бўлган улкан эътибор унинг асраб-авайлашида муҳим омили бўлмоқда.

улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

– Ўзбекистонга биринчи марта келишим, – дейди мўғулистонлик Орал Қометия. – Бугунги глобаллашув шароитида турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳилликда яшаш, таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз аънава ва маданияти, урф-одатларини ривожлантириши учун давлат томонидан барча зарур шароитларнинг яратилгани менда катта ҳавас уй-ғотди. Бундай маҳобатли санъат саройида, бундай халқаро санъат байрамида илк бор иштирок этилган. Ўзбекистонлик Нурхон Тўймекулова билан айтишув ижро этдим. Унинг ҳозиржавоблиги, топқирлиги, овоз имконияти, маҳорати, импровизациясининг кучлироғи алоҳида эътирофга лойик. Мафтункор, озода ва саришта Тошкент шаҳридан олган таассуротларим умримнинг энг ёрқин саҳифаларига айланишига шубҳа йўқ.

– Мен кўнгина халқаро оқинларнинг айтишувида иштирок этганман, – дейди қозоғистонлик оқин Карима Ҳуролова. – Тошкентда ўтказилган санъат байрамида ўтирган тўрт мингдан ортиқ томошбиннинг олқиши ва гулдурос қарсақлари мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Буларнинг барчаси халқингиз санъатни теран ва нозик ҳис этишини далolat.

Айтишув якунига кўра, бош соврин – «Срақ» автомашинаси қозоғистонлик оқин Айнур Турсунбоевга насиб этди. Ўзбекистонлик оқин Қулмахан Дўйсенов ҳамда қозоғистонлик оқин Карима Ҳуролова биринчи ўринга лойик топилди. Тадбирнинг барча қилиб ва совриндорларига диплом ва совғалар топширилди.

Назокат УСМОНОВА, Ўза муҳбири

ОСУДА ДАМЛАР ШУКРОНАСИ

Республикамизнинг турли гўшаларида бўлгани сингари Мирзо Улуғбек туманидаги буюк давлат арбоби ва машҳур саркарда, Соҳибқирон Амир Темур номи билан аталувчи маҳаллада Хотира ва қадрлаш кўнига бағишлаб ўтказилган маросим унинг қатнашчиларида унутилмас таассурот қолдирди.

Тадбирни очар экан маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ёқуб Мўминов кўлуг 20 йиллигига қизгин тарафда кўрилатган Истиқлол даврининг аjoyиб аънаваларидан бирига айланган Хотира ва қадрлаш кўни ҳақида тўхталиб, унинг мазмун-моҳияти мухташам Президентимиз Ислам Каримовнинг «Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашим, одамийлик фазилатларимизни улуғлашим назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнини келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбиде Ватан ва юрт учун ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади», деган тур муносабатида нақадар муҳимаслигини алоҳида таъкидлаб, айём иштирокчиларини самимий табрикланди.

Сўз навбати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, истеъфодаги генерал Абдуллажон Ортиқбоевга берилганда ҳамминанг ҳаяжонли янада кучайди.

– Мен уруш даҳшатларини кўрган, азиз жонини ҳам аяманган ўғлонларимиз кўрсатган беқийс мардлик, қаҳрамонликларнинг бевосита жонли ғувоҳи бўлганман, – деди жумладан Абдуллажон Ортиқбоев. – Мана 66 йилдирки, тинч ва мусофа осмон остида умргузаронлик қилмоқдамиз. Бунинг учун Яратганга шукроналар айтаман. Биз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига муттасил ғамхўрлик, эҳтиром ва эътибор кўрсатаётган мухташам Президентимизга чексиз миннатдорчилик билдирамиз. Шундай тинч ва осуда кўнларнинг қадрига этишми ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Маросимда сўз олган уруш ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, 90 ёшли Убайдулла Иброҳимов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор Ғулмуҳоммад Зокиров, танкичи кинорежиссёр Ғиёс Шермухамедов, афгон уруши иштирокчиси, меҳнат фахрийси Борис Чумаченко, маҳалла фаолларидан Зулфия Расулий, Жамур Мирхаматов ва бошқалар Хотира ва қадрлаш халқимиз тасуруш тарзига, урф-одатига сингиб кетган азалий ва аjoyиб қадриятимиз эканлигини таъкидладилар.

– Ҳар доимгидек бу йил ҳам умумхалқ байрами сифатида нишонланган 9 май – Хотира ва қадрлаш кўнида биз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатдик, – дейди маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Азизахон Усмонова. – Уларга тўқсанчилик, хотин-қизлар кўмитаси ва саховатли хайрия ташкилотларининг совға-саломлари улашилди. Бугунги маросимимиз эса байрам тадбирларининг гултожисига айланди.

Дарҳақиқат шундай, «Ғиждубон» маросимлар гўшасида ўтказилган шодибена чиндан ҳам завқли ўтди. Унда жанг майдонларида кўйланган қўшиқлар ҳозирги осуда дамлар, фаровон турмушимизни, овоз юртимизни мадҳ этадиган тароналарга улашиб кетди.

Солиҳ БОКИЕВ

ИНСОН ХОТИРАСИ МАНГУ



Ҳеч муболагасиз айтиш керакки, Хотира ва қадрлаш кўлуг санаси юртимизнинг ҳар бир хонадониде аjoyиб торзда нишонланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Карим

Иўлдошевнинг ёрқин хотирасига бағишлаб олим хонадониде ўтказилган хотира маросимига атоқли аллома ва дунёга машҳур кардиолог ватандошимизни яқиндан билган ёр-биродарлари, қариндош-уруғлари, садоқатли шогирдлари, суюкли фарзандлари тўпландилар.

Шуни айтиш керакки, атоқли олим, аjoyиб ташкилотчи Карим Иўлдошев нафақат юртимиз, балки жаҳон тиббиёти ривожига улкан ҳисса қўшган, қалби биллурдек покиза, эл ардоқлаган чин инсон эди. Таникли журналист ва публицист, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Солиҳ Ёқубовнинг академик Карим Иўлдошевнинг инсон саломатлигини сақлаш йўлида бутун умри давомида амалга оширган улкан хизматлари ҳақида ҳикоя қиладиган «Орак сирдоши» китобининг Хотира ва қадрлаш кўни арафасида чоп этилганлиги ҳам айни кўнгилдагидек иш бўлди.

Хотирлаш маросимида сўзга чиққанлар Карим Иўлдошевдек фидойи алломалар ёди, бундай маҳоратли инсонларнинг хотира чироғи асло ўчмаслигини таъкидлаб, «Орак сирдоши» китобининг муҳлисларининг маънавий мулкига айланганини алоҳида қайд этиб ўтдилар.

Академик Карим Иўлдошевнинг рафикаси Сайёра ая Иўлдошева эл-юрт эҳтиромига сазовор бўлган умр йўлдошининг фан йўлидаги улуг ишларини халқимиз унутмасдан ҳамон эътироф этаётганлигидан фахр ва ифтихорга тўлаётганлигини сўзлади. Атоқли олимнинг ўғли Ёркин Иўлдошев инсонларнинг юрагига сирдош бўлган, уларнинг қалбига илим зиёсини таратган падали Бузуққори ёққан фан машъаласи чин маънода эзгу мақсад сари йўллариини ҳамон нурафшон этиб турганлигини таъкидлади.

Биз ҳам сўзимизни мухташар этар эканмиз, улуг мутафаккир Абдулқосим Фирдавсийнинг «Орак сирдоши» китобидан ўрин олган қуйидаги сатрларини ўқувчилар эътиборига ҳавола этишга жазм қилдик.

Дунёда ҳамма нарса унутилади, Паришон тўзонлар кўниб кетади, Фақат икки нарса қолур абадий, Донининг сўзи-ю, ботирнинг иши, Юз йиллар ўтса ҳам ўлим билмайди, Яхши сўз, яхши иш қилолган киши.

Бу ўлмас сатрлар назаримизда икки дунё саодатига эришиш насиб этган Карим Иўлдошевдек фидойи инсонларга бағишлангандек.

Хондамир СОЛИХОВ

Тошкент банк коллежи жамоаси ҳўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Абдурауф Абдимуталиевич Ризакуловга онаси

Олтиной ая РИЗАКУЛОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор қилади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган «Бўлажак дипломат учун мўъжаз қўлланма» китоби нашрдан чиқди.

Олий ўқув юртларида БўЛАЖАК ДИПЛОМАТ УЧУН ҚўЛЛАНМА

Шу муносабат билан университетда ўтказилган тақдирот маросимида қўлланманинг моҳиятига тўхталиб ўтилди, бу борада талабаларнинг тақлифлари инобатга олингани ҳам қайд этилди. Муаллифлар жамоаси кўпчиликка таништирилиб, нашр учун масъул профессор Қ.Хоназаровга алоҳида миннатдорчилик билдирди.

Тадбирда сўзга чиққан Ташқи ишлар вазириликнинг маъмул ходимлари, муаллифлар қўлланманнинг яратилиши, ундаги болбалар ва бўлимларнинг тузилиши ҳусусида фикрлар билдириб ўтишди.

Албатта, ўзбек тилида чоп этилган бу қўлланма дебонадир. Унинг «мўъжаз қўлланма» деб аталиши ҳам рамзий маънога эга. Чунки анжуман иштирок-

чилари таъкидлашчи, бу рисоладаги маълумотлар ҳар бир китобхон учун жуда зарурий ва керакли. Тўрт болдан иборат қўлланмада «Дипломатияга кириш», «Дипломат куйидагиларни билиши шарт», «Дипломатик этикет ёки дипломатияда қабул қилинган умумхалқ, одоб ва муомала қоидалари» ҳамда инглизча-русча-ўзбекча дипломатик атамаларнинг қисқача луғати жамланган.

Анжуманда китобчани янада кенгайтириб, иккинчи нашрини тайёрлаш ва унга ташқи сиёсат идораси ходимлари ва ташқи сиёсат мутахассисларини кенгрок жалб этиш таклифи ҳам билдирилди.

Юлдуз РАҲИМБОВА, Тошкент Давлат педагогика университети магистри

ҲАМИША ЭЪТИБОРДАСАН, БОЛАЖОН

Пойтахтдаги «Radisson SAS» меҳмонхонасида «Инклюзив таълимнинг ижтимоий стратегиялари» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Ўзбекистон махсус Олимпиадаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазириликлари, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, турли давлат ва ташкилот раҳбарлари, ишбилармон доира вакиллари, тиббиёт ва таълим тизими мутахассислари иштирок этди. Шунингдек, АКШ, Бельгия, Германия, Польша, Россия ва Франция давлатларидан келган 30 нафардан ортиқ инклюзив таълим йўналиши бўйича мутахассислар қатнашди.

Жисмонан имконияти чекланган болаларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига, соғлом тенгдошлари қатори фанларни ўзлаштиришга имкон яратиш бугунги кунда долзарб масала саналади. Шу мақсадда давлат идоралари, жамоат ва халқаро ташкилотлар томонидан олиб борилаётган кенг чора-тадбирлар инклюзив таълим муаммоларини ҳал этиш, унинг сифат

самарадорлигини янада оширишга йўналтирилган. «Ўзбекистонда инклюзив таълим» лойиҳаси Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан 2007 йилдан буён амалга оширилмоқда. Лойиҳа жисмонан имконияти чекланган ўсмирларнинг ўз тенгдошлари билан бирга таълимнинг кейинги босқичларини давом эттириш, соғлом болалардан ҳеч камлигини ҳис қилмасдан, улар қаторида ўқув-дарс жараёнларида ўқитувчи билан муомалага киришиш, дарсдан кейин тўғарақларга қатнашиш, ҳатто тадбир ва давра суҳбатларида фаол бўлишга эришишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Анжуманда таъкидланганидек, мазкур лойиҳа доирасида педагогларга методик услубий қўлланма сифатида «Инклюзив таълимнинг миллий модели концепцияси» ишлаб чиқилган. Мақтабча ва болалар-ғич таълим тизимининг синов базасида киритилган концепция доирасида ўқитувчилар учун семинар-тренинглар ўтказилди.

– «Ўзбекистонда узлуқсиз таълимнинг миллий моделини

ишлаб чиқиш ва таъбиқ этиш» лойиҳасининг биринчи босқичи бўйича турли анжуманларда иштирок этдим, – дейди Нукус шаҳридаги 3-умумтаълим мактаби директори Светлана Муҳаммедова. – Улаштирилган таълим буйича инклюзив таълим бўйича олган билимларим натижа-сида 9 нафар имконияти чекланган болани мазкур таълим тизимига жалб қилдим. Қувонарлики, болаларнинг уйига бориб, берган таълим-тарбия сабоғимиз натижага ўларок, бугунга келиб улар ҳеч қийна-масдан соғлом тенгдошлари қатори билим олишяпти. Мақтабимиздаги 6 нафар ўқитувчи пойтахт ва худудларда ўтказилган анжуманларда қатнашиб, жисмонан имконияти чекланган ўқувчиларга таълим ва билим бериш маҳоратига эга бўлишди. Назаримда, бундай болалар нафақат шифокор, балки илғор педагог, меҳрибон психолог, ширин сўз ота-она ва қадрдон дўстлар меҳрига муҳтож бўлади. Уларга барчамиз биргаликда эътибор қаратишимиз даркор.

Азима ҚИЁСОВА, «Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика кўп тармоқли Агрисаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 10.01.2010 йилдаги № 373-74/2-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Феруза кўчасида жойлашган яшаш майдони 29,32 кв.м бўлган 2 та яшаш хонасидан иборат бўлган 61-уй, 2-хонадон (уй-жой) қўйилмоқда, бошланғич нархи – 50 000 000 сўм.

Аукцион савдосига М. Улуғбек тумани СИБ томонидан 09.08.2010 йилдаги № 2-123/10-сон ижро хужжати асосан, Тошкент вилояти ИИББ ЙХББ майдончасида сақланаётган 2003 йилда и/ч., дав.бел. 10 U 350 AA бўлган «Газ-3110-101» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 8 816 110 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 9 июнь кўни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридеги автотранспорт ва кўчмас мулк воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 30 июнь кўни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 19 май кўни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очик аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Оққўрғон тумани СИБ томонидан Оққўрғон тумани ИИБАМТФКМНБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 18.03.2010 йилдаги №201-сон ижро варақ, асосан, 2002 йилда и/ч., дав.бел. X165PVM бўлган «BA3-21102» русумли автотранспорт воситаси, бosh. нархи – 7 594 341 сўм. 2. 15.01.2009 йилдаги № 577-сон ижро варақасига асосан, 1995 йилда ишлаб чиқ., дав. бел. X 396 ZNM бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси, бosh. нархи – 3 885 895 сўм. 3. 24.08.2009 йилдаги № 681-сон ижро варақасига асосан, 1982 йилда ишлаб чиқ., дав.бел. H 158 KM36 бўлган «Opel Kadet» русумли автотранспорт воситаси, бosh. нархи – 1 703 673 сўм.

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томони-

дан 28.04.2009 йилдаги № 7241-42/13-сон ижро хужжати асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 19-мавзеда жойлашган, 3 хонадан иборат бўлган 32-уй, 48-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи – 53 953 063 сўм. 2. 28.04.2009 йилдаги № 7241-42/13-сон ижро хужжати асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 7-мавзеда жойлашган 4 хонадан иборат бўлган 34-уй, 27-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи – 51 707 305 сўм. 3. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 4-мавзеда жойлашган 67-уй, 15-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи – 57 112 404 сўм.

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан 11.01.2010 йилдаги № 87/21-сон ижро хужжат, асосан, Файзобод УТК божхона постида сақланаётган, 1992 йилда и/ч., дав.бел. BE 179850 бўлган «Полу прицеп» русумли ярим тиркама воситаси қўйилмоқда, бosh. нархи – 21 432 000 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк»нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимнинг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли хужжатларни қабул қилиш кимодиде савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: DB 001 №000003.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кўни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуот-чилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Юнусобод туманидаги Киев 3-тор кўчаси, 12-уйда истиқомат қилган Ниёз Дадамухамедов номига 1964 йили берилган №2726 рақамли уй режаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги академик лицей томонидан 1998 йилда Умаров Миршохид Мирзахидович номига берилган О'Рақ 329089 номерли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ

ХИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

ИШОНЧ ҲАҚИДА

Ишончини йўқотган — таянчини йўқотади.

Шубҳа — хаёлга қадалган зирапчадир.

Ўзига ишонмаган одам ишини тўла урдалай олмайди.

Йўқолган ишончини топиш қийин.

Одамнинг ёнидаги йўлдоши ишончсиз бўлса, ўзи кулса ҳам дили кулмайди.

Яхга суяниб бўлмайди.

Диққатсиз тинглаш ишончсиз хулосага элтади.

Тирқишли эшиқдан шамол киради.

Гумон — қалбни кемирувчидир.

Оқил одамнинг гумони бўлмайди.

Кўлга кўнадиган қушни ҳеч ким қафасга солмайди.

Бевафо — ишончининг қушандаси.

Шубҳа — эркинликлар душманидир.

Самимий муносабат гумон булутларини ҳайдайди.

Элнинг ишончи — обрўдир.

Бабурд ишончининг ёви.

Шубҳа одамни одамдан айиради.

Бегона қалб — қоронғу ўрмондир.

Шубҳани чакирувчи — дард, уни исботловчи — мард.

ЛАТОФАТ ВА МАЛОҲАТ ҲАҚИДА

Латофат гўзаллик эшигини очувчидир.

Малоҳат хуснга-хусн қўшувчидир.

Малоҳат — ҳаё посбони.

Латофат ва малоҳат инсонийлик гултожи.

Малоҳат — гулдек нафис ва гулдек ранго-ранг.

Ўртоқнинг малоҳати — ҳурмат туғдирувчидир.

Малоҳатнинг табассуми беғубор.

Сермеҳр қалб — латиф бўлади.

Муҳаббат хуснига эмас, малоҳатга қарайди.

Малоҳат — мулоқотга файз берувчидир.

Малоҳатли суҳбатдан ҳурмат уфуриб туради.

Нафи тегмаган гўзал ирмоқ вайронлик келтиради.

Лаёқат билан иш бажараётган одамда латофат балқиб туради.

Табассум — малоҳатнинг гули.

Латофат, малоҳат ва назокат — муҳитнинг безағи.

(Давоми бор)

Ёшлиқ — умр баҳори, инсон ҳаётининг энг беғубор, бахтиёр палласидир. Бугунги кунда мамлакатимиз ёшларининг турли соҳаларда эришяётган ютуқларини эшитиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилмоқда. Зеро Президентимиз «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деб бежиз айтмаган. Миллатимиз гурури, юрт истиқболи бўлган ёшларнинг ғайрат-шижоати, зукколиги, билимдонлигини, ўз истеъдоди билан дунёни лол қолдираётганлигини эшитиб, фахрланамиз албатта. Аини кунларда ана шундай истеъдодли ёшлар даврасида ўтказилаётган анжуманларда турли соҳаларда ютуқларга эришиб келаётган ёшлар иштирок этмоқда.

Маънавият гулшани

ЁШЛАР ДАВРАСИДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Ёшлиқ илҳомлари» шiori остида ўтказилган ёш ижодкорлар анжумани Тошкент шаҳар ва Чилонзор тумани ҳокимликлари томонидан ташкил этилди. Тадбир аввалда сўзга чиққанлар юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш

авлод таълим-тарбиясига, саломатлигига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иқтидорларини юзга чиқариш, рағбатлантириш борасида кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилаётганлигини қайд этишди.

Анжуманда туман ўқувчилар ижодиёт маркази ёш истеъдодлари ижросидаги

концерт дастури, ёш спортчиларнинг бадий ва спорт гимнастикаси, акробатика, каратэ бўйича чиқишлари, шоирлар ва ёш ижодкорлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда ёш кино ва эстрада юлдузлари билан ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари билан «Уч авлод учрашуви» айниқса ёшларда унутилмас таассурот қолдирди. Севимли эстрада хонандалари ижросидаги кувноқ куй-қўшиқлар, шўх рақслар ёшлар жўр бўлишди. Тадбирда китоблар кўргазма-савдоси, ўқувчилар томонидан тайёрланган кўргазмалар ййилганлар эътиборини тортди.

— Шундай обод ва озод ўлкада туғилганимдан фахрланаман, — деди анжуман иштирокчиларидан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Осий Жайлабова. — «Ёшлиқ илҳомлари» шiori остида ўтказилаётган ижодкор ёшлар анжуманида қатнашяётганимдан бахтиёрман. Ушбу анжуман ёшларнинг ижод, нафосат ва гўзаллик байрамга айланди. Бу ерда турли соҳаларда ютуқларга эришиб келаётган тенгдошларим билан танишиб, кўплаб дўстлар ортттирдим. Таниқли шоир ва ёзувчилар, ўқувчи ва талабалар даврасида учрашувларда ўзаро мулоқотда бўлдим. Бундай қизиқарли, кувноқ давраларда қатнашиш биз ижодкор ёшларга илҳом, қалбимизга гурур бахш этмоқда. Яна ҳам самарали, унумли ижод қилишга ундамоқда.

Шу кун Миллий боғда ёшлар дилдан яйраб-кувнашди, уларнинг ижодий учрашувлари, қизгин мулоқотлари то кечга қадар давом этди.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: ёш ижодкорлар анжуманидан лавҳалар Козим Ўлмасов олган суратлар

Ҳозирги кунда миллий маънавиятимиз ривожини маданият намуналарисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, рассомчилик санъатига ихлос қўйган жажжи истеъдод эгаларининг сафи кенгайиб бораётгани тасвирий санъатимиз раванқи ва истиқболдан дарак беради.

«КАМАЛАК ЖИЛОСИ»ДА — БОЛАЖОНЛАР ТАСВИРИ



Кун кеча Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг «Камалак жилоси» расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Республика Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Сен ёлғиз эмассан» халқаро хайрия жамғармаси, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги маданият маркази ходимлари қатнашди.

— Ушбу кўрик-танловда республикамизнинг барча вилоятларидан 1500 га яқин тарбияланувчилар иштирок этди. Улар асосан 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган болажонлардир, — деди Республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси раиси Светлана Иномова. — Бундай тадбирларни ўтказиш-

дан мақсад «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш, қолаверса ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, ақлан етук, жисмонан бақувват этиб тарбиялаш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантиришдан иборат.

— Мен табиат манзараларини тасвирлашни ёқтираман, — дейди 30-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Лолита Мустафоева. — Ушбу асаримни «Сакура» деб номладим. Менга ёрқин ранглардан фойдаланган ҳолда расмлар чизиш ёқади. Бунинг учун эса бизда барча имкониятлар яратилган. Бизга шундай қулайликларни яратиб бераётган устозларимизга раҳмат айтаман.

Садоқат АСЛАНОВА
Алексей Попов олган сурат

«Камолот»

СИЗ СЕВГАН ҚАҲРАМОН

Маълумки, мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кўп саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшлар даврасини кенг қамраган тарзда олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга моликдир.

Хусусан, энг улуг ва азиз бўлган Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдидан «Камолот» ЕИХ Бектемир туман бўлими ташаббуси билан туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, халқ таълими, Маънавият тар-ғибот маркази туман бўлимлари билан ҳамкорликда баркамол авлодни воёга етказишда маънавий-ахлоқий тарбиянинг аҳамияти, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, диний бағрикенгликни тарғиб этиш мақсадида 290-мактабда «Сиз севган қаҳрамон» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда ота-оналар, маҳалла фаоллари иштирок этган ушбу тадбирда элимиз ардоғидаги таниқли инсонлар, жумладан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тохир Миралиев ҳамда театр ва кино актёри Алишер Отабоевлар қатнашди. Улар иштирокчиларга бугунги кунда озод ва обод Ватанимизда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган илҳомли ишларнинг мазмун-моҳияти, ёшларга яратилган имконият ва шарт-шароитлар, ҳаётда эришган ютуқлари замирида меҳнат ва интилиш ётгани ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Шунингдек, айрим ёшларнинг миллий мен-

талиетимизга ёт бўлган юриш-туришлари, ғарбга тақлид қилишлари ҳақида таассуф билан сўзлаб, турли муаммолар ва уларнинг олдини олишга қаратилган тавсияларни билдиришди. Тадбир давомида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга тўлиқ жавоблар олдилар. Кўтаринки рўнда ва жонли мулоқот тарзида ўтган тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Нигора АБДУНАЗАРОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси

Тошкент Фотосуратлар уйда адабиёт соҳасида Нобель мукофоти совриндори поляк шоири, ёзувчи ва таржимон Чеслав Милаш таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Польшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида адабий-бадий кеча бўлиб ўтди.

АДАБИЙ-БАДИЙ КЕЧА

Кечада турли миллат вакилларидан иборат пойтахт ўқув юртлари ўқитувчилари, зие мамлакатлари вакиллари, санъат ва адабиёт ихлосмандлари, талабалар ва ўқувчи-ёшлар қатнашдилар.

Тадбир Польшанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Мариана Пшездецкий ва Ўзбекистон Бадий академияси бош иллий котиби Абдумажид Мадрамовнинг кириш сўзлари билан бошланди.

Адабий-бадий кечада Чеслав Милашнинг қатор шеърлари ўқилди. Унинг жаҳон адабиётига қўшган хиссаси ҳақида маълумотлар берилди.

Нормўмин Султонов муаллифлиги ва режиссёрлигида тайёрланган концерт дастури доирасида машҳур поляк композиторлари С.Моношко ва Ф.Шопеннинг опералари, ноқторни, вальс, романсларидан намуналарни, поляк тилида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Нормўмин Султонов, Шукр Фофуров, халқаро танловлар совриндори Ирода Мирсотова, Саида Мамадалиева, Қаҳрамон Бозоров, Тошкент Давлат консерваторияси талабаси Нада Дарби, Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган махсус академик лицейи ўқувчиси, хорижий мамлакатларда ўзбек санъатини намойиш қилиб келаётган Искандар Мамадалиев нафис овоз билан куйладилар. Давра суҳбатиди айтаман фикрлар, санъат ва адабиётда ўз ифодасини топган умуминсоний қадриятлар эзгулик чегара билмаслигини кўрсатади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Табиат неъматлари

ҚУЛУПНАЙ — ВИТАМИНГА БОЙ

Она замин муқаддас тупроғида ўсган ва мева берган ҳар бир неъматнинг шакли, мазаси, шифобахшилиги ўзгача.

Дарвоқе, республикамизнинг омилкор фермер хўжаликлари деҳқонлари етиштирган, селекциялаштирган қулупнай турлари «Виктория», «Ананас», «Жайдари»нинг ҳар бири йирик, серхосил, мазалилиги ва шифобахшилиги билан ажралиб туради. Қулупнайли қиёмни тотиб қўрганмисиз? Тортларни-чи? Ҳа, қулупнайнинг қиш-ёзин гуллаб ҳосил берадиган майда, хозирда йирик турларини ҳам омилкор деҳқонлар иссиқхоналарда ўстиришни жорий этишган.

— Бобом Азлархон Юсуфхон ўғли: «Қулупнайни тўйиб-тўйиб е, соғлом бўлиб, касалликка чалинмайсан, унинг танадаги қуввати бир йилга етади», деганларида тиббий сир бор экан.

Дарвоқе, биолог олим, «Кизил китоб» муаллифларидан бири Ғайбулла Шерматовнинг маълумотларига кўра, қулупнайнинг таркибиде, ўрта ҳисобда 5,6-9,2 фоиз канд, 1,3-1,8 фоиз инсон учун энг зарур органик кислоталар, 50-60 мг С витамини, микро ва макроэлементлар, шунингдек, мия фаолиятини яхшиловчи фосфор, қониқ кўпайтирувчи темир, суяклар тўқималарини мустаҳкамловчи кальций кислотасининг мавжудлиги унинг шифобахшилигидан далолат бериб турибди. Шунинг учун ҳам халқ табибатида минг йиллар давомида табиблир қулупнайдан камқонлиқни, паритохонотриликни даволашда самарали фойдаланиб келишган. Ҳаттоки ўт пуфаги ва буйрақдаги тошларни, йирик қумларни майдаловчи хусусиятларга эга бўлгани учун ҳам қулупнайдан мавсумда унумли фойдаланишган.

Бундан ташқари табиблир қулупнайдан қўл, бармоқлар орасидаги экзема-қичимани бартараф этишда суртма сифатида фойдаланишган.

Базан кекирдикни даволаш учун қулупнай баргининг бир чимдимини 200 грамм сувга солиб паст оловда қайнатиб, кунга 3 марта гарғара қилиш нохушликни бартараф этган.

Ўқоридагилардан маълум бўлишича, қулупнай тиббий хосиятларга бой.

Турсунжўжа АЗЛАРХОНОВ



Тошкент шаҳрида 11 май кунини ҳаво ўзгариб туради, момақалдиқор бўлиб, ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда эсаётган шамол момақалдиқор пайтида кучайиб, секундига 12-17 метрға етади. Ҳарорат кечаси — 14-16 даража иссиқ, кундузи — 25-27 даража иссиқ бўлади.

Республика худуди бўйича ҳаво ўзгариб туради. Айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдиқор бўлиши кутуламоқда. Тоғли туманларда қор қўчиши ҳаффи

бор. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол момақалдиқор пайтида кучайиб, секундига 15-20 метрға етади. Ҳарорат кечаси — 12-17 даража иссиқ, кундузи — 25-30 даража иссиқ. Шимолда кечаси — 15-20 даража иссиқ, кундузи — 25-27 даража иссиқ. Жанубда кечаси — 15-20 даража иссиқ, кундузи — 25-27 даража иссиқ бўлади. Ўзидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 11 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларининг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдорли паст бўлади.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Манбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3958 нусхада босилади.
Қоғоз бېғими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида терилиш ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида терилиш ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул Д. Исроилов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.